

# БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

5 - сонли

Олот шаҳри

2022 йил " 12 " 01

(шартнома тузилган жойи)

Олот туман Электр тармоқлар корхонаси (кейинги ўринларда "Корхона") (энергия билан таъминловчи ташкилот номи) (деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ф. Нодир бир тарафдан ва Олот туман Давлатишароити (энергия таъминоти ташкилоти раҳбарининг Ф.И.Ш.) (Энергия истеъмолчисининг номи) (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари У. Сулаймов иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ орқали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда "Энергия" деб юритилади) бериб туриш мажбуриятини, Истеъмолчи эса қабул қилинган Энергия ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламалари соатларида қатнашувчи ҳақиқий максимал қувват (кейинчалик "Кувват") учун ҳақ тўлайди.

## II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 1998 кВт.с. ни ташкил қилади.\*

2.2 Шарнома тузилган кунда етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 899100 сўмни, Кувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қилади.\*

Шундан,	бюджет	маблағлари	ҳисобидан
<u>899100</u> (саққи 203 тўқсан тўқсан лаван бир юз)		сўм,	
Бюджетдан	ташқари	маблағлар	ҳисобидан
		сўм.	

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Кувватни) ушбу шартноманинг 1-илоvasида кўрсатилган миқдорда етказиб беради.\*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Кувват) миқдори Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Ҳисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг ҳисоб-китоб қилишига мўлжалланган Энергия ва Кувватни ҳисобга олишнинг бошқа воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими билан мос келиши; Истеъмолчининг ҳисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-илоvasидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 1998 кВт.с.ни ташкил қилади.

## III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

\* Изох: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга қадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва миқдорлар кўрсатилади.